

## Хукуматларимиз туркий зиёлиларимизга ёрдам беришларига ишонамиз

2012 йил, 7-июнь куни Бишкекда туркий халқларни дүстлаштириш ва бирлаштириш йўналишида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ҳақидаги хабарни эшишиб ниҳоятда қувондик. Евро-Осиё эллари, хусусан, туркий халқларни яқинлаштириш ва жипслаштириш муаммоси хусусида, туркий бирлик масаласида бошқа халқларнинг ойдинлари ҳам ўйлашаётгани, жон куйдиришаётгани шу йўналишида баҳоли-кудрат ишлаётгани билан журналистлар учун ниҳоятда қадрлидир. «Евро Осиё халқларининг ахлоқий—маънавий бирлиги — Турун: ўтмиш ва келажак» деб номланган ушбу илмий-амалий конференцияда туркий халқларнинг кўплаб ойдинлари сўзлаган нутқлар, руҳий—этник ҳудуд ва маданият бирлигини сақлаш, ахлоқий ва маданий анъаналарни бир ҳудуднинг ўзида асрарнинг фойдали, стратегик томонлари хусусидаги жиддий фикрлар бизга ниҳоятда қадрлидир. И. Араббоев номли университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Эмил Каниметов томонидан кейинги пайтларда туркий халқлар орасида юз берадиган руҳий, маданий—маънавий инқироз ҳақида жон куйдириб гапирилиши, бирлашиш ғояси ургулангани, бу юртда ҳам бирлашув муаммоси хусусида жон куйдираётгани зиёлилар борлигини кўрсатди. Туркий халқларнинг дўстлари қатори душманлари ҳам етарли. 2010 йил июнида юз берган қонли воқеаларда қатнашиб, шахсларга зарар етказган ва бу қирғинни уюштирганлар, миллатидан қатъий назар, жазоларини олишлари керак. Айни замонда, бошқалар, туркий элларнинг ойдинлари, олимлари, журналист ва ёзувчилари гина-кудуратларни унугиб, бирлашиш, яқинлашиш ғоясини амалга ошириш йўлида жон куйдириб ишлашлари зурур!


Озарбайжон Халқ демократик партияси раиси Рафиқ Туробхон ўғли бирлашиш ғоясини биринчилардан бўлиб-куватлагани бесабаб эмас.

Қардош Ozar халқи туркийлар ўртасидаги парокандаликдан ҳаммадан кўра кўпроқ жабр кўргандир. Бишкекда йифилган олимлар ва зиёлилар муҳокама жараённида бир ҳудудда яшаётган Евро-Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик имкониятларини излаш бўйича ҳам фикр алмашганлари ва бу муҳокама жараённида “Турун маънавий давлати” куриш керак, деган холосага келганлари, айниқса, қувонарлидир. Қурилиши мўлжалланаётгани бу рамзий давлат Евро-Осиё халқлари ёки Турун этноси орасидаги яқинлашиш масаласини ечишда муҳим амалий рол ўйнайди, деган умиддамиз. Коференцияда ҳам айтилганидай, туркий мамлакатлардан бирининг ҳудудида иш олиб борадиган маънавий давлатнинг Туркияда бўлиши мақсадга мувофик. Чунки, бу давлат туркий мамлакатлар орасида энг ривожланган, ҳар жиҳатдан камол топгандир. Бизнингча Марказий Осиёда бу давлатнинг марказга бўйсуниб ишлайдиган бўлимлари бўлиши мумкин. Узун гапдан қисқа холоса шуки, биз, конференция қатнашчиларининг туркий мамлакатлардан бирининг ҳудудида “Турун маънавий давлати” тузиш ҳақидаги резалюциясини қўллаб-куватлаймиз. Бу ғоянинг сўз бўлиб қолмаслиги амалий ишларга ўтиш пайти етганини алоҳида эслатмоқчимиз. Бугунги хукуматларимиз ҳам ортиқча тортинчоқликларини йиғишириб қўйиб, амалий ишга ўтишлари халқларимизнинг зиёлиларига ёрдам беришлари керак. Зоро, туркий халқларнинг, хусусан, Марказий Осиё туркийларининг бир-бирини англаши, қайғуларини ҳам, шодлигини ҳам ҳис этиши ва тинч-осойишта яшashi учун хукуматларимиз масъулдир.

**“Туркистон тонги” “Түркістан таңі” газеталари таҳририяти номидан Сейітбай Байдуллаев, Ботир Норбай. 9-июнь 2012 йил.**

### ОНА ТУРКИСТОН

Абдурауф Фитрат



Она Туркистон, бир имдод борми?  
Номуслар, вижедонлар, иймонлар йитди.  
Ёвқур ботирларинг ҳоки бедорми?  
Мингвойким, гурурлар, виқорлар битди.  
Кўрганинг занжирми, кишинми, дорми?  
Кўк тогини қонли булутлар титди.  
Махлуқ босди сен онани, сен зўрни.  
Улуг Туркистонни мешига ютди.  
Кўк тангрим тинглагин нолаларимни.  
Адоги бормидир туркларнинг ўчин,  
Қулликами сотдинг болаларингни.  
Онам, ёндиргали йўқми бир учқун  
Ақл бердинг, бердинг жсолаларингни,  
Куч бермадинг, қилич бермадинг нечун?!  
↔ ↔ ↔ ↔ ↔ ↔

Тойир Жароқов

ДУТОР БИЛАН ДЎМБИРА

Ўзгамас, ўз элимсан. Ўзбекистон,  
Кўрингунг кўзга кўркам, сен олисдан.  
Кўзингда нур ёнгандада жонга яқин,  
Шеъримиз етиб борди сенга шу дам.

Қай оқин ўзбек элин зўр ҳурмати,  
Қадрдонлик ҳаққи-чун барқ урмади?!  
Юрагин ўти билан битиб байтлар,  
Қай оқин бу дўстлик деб чарх урмади.

Биз элдан, эл ҳам биздан олар илҳом,  
Икки эл зафарларда қозонар ном.  
Она сути янглиғ фарзандларга  
Ойдинда мавжланар Сир ажаб окшом.

Чирчик ва тўлқин отган Буқтурманинг Нурлари ушалтириди эл армонин.  
Пахтаорол оқ паҳта гулин сочса,  
Қозоқнинг дашти тўқди олтин донин.

Шеърга солиб узуму анорларин,  
Мактаган чоғ сиз ўзбек паловларин,  
Фоғир ака, кўрингиз. Собит оға  
Бўз кирда тикди инжу яловларин.

Суямиз олмаю анорни биз,  
Тўлдирди ширин болга қанорни куз.  
Бир боғда ўсган нақшин мевадайин,  
Эртанги оқ тонгларга хуморлимиз.

О, кўркам қозоқ йигит бармоқлари  
Дўмбира чертиб турса сайронлатиб,  
Ойдин бир кўлда сузган оққувдайин,  
Қиз рақси кўяр элни ҳайронлатиб.

Оққувнинг боласидай бўйинларин  
Нозлатиб, бошлаб латиф ўйинларин,  
Эврилса, тўқсон бураб хипча белин,  
Ўзига мафтун айлар элнинг барин.

Қалбимга ошно қилиб меҳримни чин,\  
Талпиниб юрагим-ла дуркун дуркун,  
Тошкентта ажиб шеърим айтиб келдим,  
Қабул эт, қучоғинг оч, қардош элим.

Кўркланиб отса уфқдан ажойиб тонг.  
Елвагай кийиб дўппи, ола чапон,  
Боғига ўзбек оғам сув оқизса.  
Ан солар қир бошида қозоқ чўпон.

Ҳангома чопондамас, чўпондамас,  
Олқишу ҳамду сано ҳандондамас,  
Жазм этиб, парвоз сари элни мудом,  
Чорласак, мудроқ диллар уйғонса бас!

Кўшнимиз. Битта эрур тақдиримиз,  
Мехр ва муруватдир қалб сиримиз.  
Севгимиз кўрига кўр кўшмоқликка,  
Машҳаргача бурчлимиз ҳар биримиз.

Ортда қолсин мозийнинг фарёдлари.  
Толе қучсин эгиз халқ зурёдлари.  
Не ажаб, зафарларга эш икки эл  
Биргаликда учса гар само сари.

### ТУРКИЙЛАР

Руҳиддин Комил



Бу дунёга кимлар келиб ким кетмаган,  
Одамизотга молу-дунё ҳеч етмаган,  
Туркий бўлиб тарқоқликни тарқ этмаган,  
Туркий элим, бирлаш энди, ён энди.  
Бир асрлик уйқудан уйғон энди.

Амир Темур, Алишерлар ўтмиш энди,  
Боязид-у, барлос шерлар ўтмиш энди,  
Мактанишмас асл эрлар ўтмиш энди,  
Туркий элим, бирлаш энди, ён энди.  
Бир асрлик уйқудан уйғон энди.

Аждодларинг гўрларида тик турмасин,  
Болаларинг боши эгик ҳам юрмасин,  
Келажагинг Орол каби қуримасин,  
Туркий элим, бирлаш энди, ён энди.  
Бир асрлик уйқудан уйғон энди.

Бефарқлигу-лоқайдликни қилма одат,  
Адолатдан афзал эмас ҳеч ибодат,  
Ҳурфирнинг натижаси бу саодат,  
Туркий элим, бирлаш энди, ён энди.  
Бир асрлик уйқудан уйғон энди.

Шеърларимни битдим асл шерлар учун,  
Белларида белбоги бор эрлар учун,  
Туркийзамин деб аталмиш ерлар учун,  
Туркий элим, бирлаш энди, ён энди.  
Бир асрлик уйқудан уйғон энди.

